

**БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА БОШҚА ҚОРҶОНАЛАРГА
НЕФТ МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА
ШАРТНОМА**

2022 йил “ 05 ” 01

№ 1

Сайхунobod тумани

Кейинги матнларда “Етказиб берувчи” деб аталувчи “Гулистон нефт базаси” масъулияти чекланган жамияти номидан устав асосида фаолият юритувчи директори Х.Туйчиев бир томондан ва кейинги матнларда “Истеъмолчи” деб аталувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг Президенти номидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Президенти асосида фаолият юритувчи раҳбари М. Музаффаров иккинчи томондан, ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. “Етказиб берувчи” “Истеъмолчи”нинг буюртмаси асосида тегишли русум ва миқдордаги (автобензин, дизел ёнилғиси, мой маҳсулотлари ва бошқа турдаги нефт маҳсулотларини (кейинги ўринларда нефт маҳсулотлари деб юритилади)) нефт маҳсулотларини етказиб бериш, “Истеъмолчи” эса етказиб берилган нефт маҳсулотларини қабул қилиб олиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятларини ушбу шартномада келишилган шартларда бажаришни ўз зиммаларига оладилар.

1.2. Етказиб берилиши кўзда тутилган нефт маҳсулотларининг турлари, уларнинг миқдори, сифати ва нархи, шунингдек етказиб бериш муддатлари мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган иловада (спецификацияда) кўрсатилади.

2. НЕФТ МАҲСУЛОТЛАРИ НАРХЛАРИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Шартноманинг тахминий умумий суммаси 4786305,30 сўми ташкил қилади.

2.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 апрелдаги ПҚ-4664-сонли қарорига асосан “Етказиб берувчи” томонидан бюджет ташкилотлари “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, “Тошшахартрансхизмат” АЖ, маиший чикиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича давлат қорхоналарига дизел ёнилғиси (шу жумладан ЭКО маркали дизел ёнилғиси) қарорда кўрсатилган вақтдаги биржа савдолари натижаларига кўра шаклланган ўртача биржа нархлари бўйича нефт маҳсулотини сотиб олиш, ташиб келтириш ва нефт база устамаси қўшилган ҳолда сотилади. Мазкур қорхоналарга бошқа турдаги нефт маҳсулотлари етказиб берилиши нефт базада шаклланган нархларда сотилади.

2.3. Ушбу шартноманинг 2.2.-бандидан ташқари бошқа барча қорхона ва ташкилотларга етказиб бериладиган барча турдаги нефт маҳсулотлари нефт база томонидан биржа савдолари орқали нефтни қайта ишлаш заводларидан сотиб олиш, ташиб келтириш харажатлари ҳамда нефт база устамаси қўшилиб шаклланган нархларда сотилади.

2.4. “Етказиб берувчи” “Истеъмолчи”нинг буюртмасини олган заҳоти етказиб берилиши кўзда тутилган нефт маҳсулотларининг ўша кундаги жорий нархларини унга маълум қилади. “Истеъмолчи” мазкур нархлар асосида буюртмадаги нефт маҳсулотлари партиясининг тегишли ҳажми учун 100 фоиз олдиндан тўловларни 5 банк куни ичида амалга оширади. Акс ҳолда “Етказиб берувчи” нефт маҳсулотлари учун янги жорий нархларни қўллаши мумкин.

2.5. Нефт маҳсулотларининг нархи белгиланган тартибда ўзгартирилган кундан бошлаб келгусида ушбу шартнома бўйича етказиб бериладиган нефт маҳсулотларига янги нархлар қўлланилади. Нарх ўзгарган кунгача харид қилинган, лекин “Етказиб берувчи”га тегишли бўлган ФЭТШ, АЁҚШдан олиб кетилмаган нефт маҳсулоти қолдиғига нисбатан ҳам янги нарх қўлланилади.

2.6. Етказиб бериладиган нефт маҳсулотлари учун тўловни “Истеъмолчи” “Етказиб берувчи”нинг банкдаги ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширади.

3. НЕФТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ

3.1. Нефт маҳсулотлари “Етказиб берувчи”нинг омиборидан ёки унга қарашли ФЭТШлар орқали “Истеъмолчи”нинг буюртмаси ва унда етказилиши сўралган нефт маҳсулотлари учун тўловлар келишилган муддатда олдиндан 100 фоиз амалга оширилганини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси тақдим этилганда етказиб берилади.

3.2. Нефт маҳсулотлари “Истеъмолчи”га “Етказиб берувчи”нинг махсус автотранспортида белгиланган тартибда етказиб берилади. Нефть маҳсулотларини шунингдек “Истеъмолчи” томонидан барча ёнгин ва техника хавфсизлик талабларига риоя қилиш бўйича масъулиятни ўз зиммасига олган ҳолда ўзига тегишли ёки ижарага олинган махсус транспорт воситасида олиб кетилиши мумкин ва бундай ҳолатда ташиш харажатлари қайта кўриб чиқилмайди.

3.3. Нефт маҳсулотлари омиборига нефт маҳсулотини ташувчи автомобил цистерналари 1510-84 Давлат стандарти талабига жавоб бериши шарт. Акс ҳолда автотранспорт воситалари нефт база омибори ҳудудига киритилмайди ва уларга нефт маҳсулотларининг қуйилишига рухсат этилмайди. Бундай автотранспорт воситаларининг бўш кетиши учун “Етказиб берувчи” жавобгар бўлмайди.

3.4. Нефт маҳсулотлари қуйилган автоцистерналар (“Истеъмолчи”нинг автотранспортида олиб кетиш ҳолатлари бундан мустасно) “Истеъмолчи”нинг талабига биноан “Етказиб берувчи”нинг ёки унинг бўлинмалари томонидан амалдаги меъёрий техник ҳужжатларга (2417-85 давлат стандартига) мос тарзда тамғаланади.

3.5. Нефт маҳсулотларини етказиб бериш мазкур шартномада ёки шартнома асосида берилган буюртманомада кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда, мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида, ушбу шартноманинг 3.1. бандида келтирилган ҳужжатлар тақдим этилган кундан сўнг амалга оширилади. Нефтни қайта ишлаш заводларидан етказиб берилмаслиги ёки темир йўл ташкилотларининг айби билан юзага келган нефт маҳсулотлари таъминотидаги узилиш ҳолатларида “Етказиб берувчи” томонидан “Истеъмолчи”ни бу ҳақда хабардор қилинган ҳолда томонлар етказиб беришнинг бошқа муддатини ўзаро келишиб олишлари мумкин.

3.6. Нефт маҳсулотлари “Истеъмолчи”га “Етказиб берувчи”нинг тасарруфида бўлган ФЭТШ ва АЁҚШлар орқали тегишли рухсатномалар билан тарқатиш ведомостлари асосида белгиланган тартибда етказиб берилиши ҳам мумкин.

4. НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. “Етказиб берувчи” томонидан “Истеъмолчи”га етказиб берилган нефт маҳсулотлари бевосита “Истеъмолчи”нинг вакили томонидан қабул қилинади. Етказиб берилган нефт маҳсулотларини қабул қилиб олишда “Истеъмолчи” вакили шартномада ёки шартнома иловасида кўрсатилган миқдорда ва сифатда шартномада белгиланган талабларга, шунингдек амалдаги стандартлар, нормативлар ва йўриқномалар асосида амалга оширади.

4.2. “Истеъмолчи”нинг вакили нефт маҳсулотларини олаётган вақтда маҳсулотнинг сифати ва миқдорини жойида текшириб олади.

4.3. Нефт маҳсулотларини етказиб берганлик тўғрисидаги тегишли ҳужжатлар “Етказиб берувчи”нинг нефт омборида ёки унга қарашли филиалларда, айрим ҳолларда АЁҚШ ва ФЁТШларда расмийлаштирилади ва уларни “Истеъмолчи” томонидан бунга ваколат берилган ишончнома асосида вакили имзолайди ва нефт маҳсулотларини қабул қилиб олади. Эгаллик ҳуқуқи, тасодифий нобуд бўлиши, нефт маҳсулотларига зиён етиш хавфи “Етказиб берувчи” омбори ёки АЁҚШ, ФЁТШ ҳудудидан чиққан вақтдан бошлаб “Истеъмолчи”га ўтади.

5. НЕФТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ СИФАТИ

5.1. “Етказиб берувчи” “Истеъмолчи” га сифати Давлат стандартларига ва техник шартларга жавоб берадиган нефт маҳсулотларини етказиб беришни кафолатлайди. Етказиб бериладиган нефт маҳсулотларининг сифати 1510 ва 2517-сон Давлат стандартлари ва техник шартларга мос бўлиши ҳамда бу нефт маҳсулотларини автотранспорт воситаларига юклаш ва ташиб етказилиши кузатилишига оид расмийлаштирилган ҳужжатларда қайд этилиши лозим.

5.2. Нефт маҳсулотларини олишда “Истеъмолчи” уларнинг сифатини, шунингдек сифат паспортини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. “Етказиб берувчи” нефт маҳсулотларини ўз вақтида етказиб бермаганлик учун ҳар бир кечиктирилган кун учун вақтида етказилмаган нефт маҳсулотлари суммасининг 0,1 фоизи, лекин 10 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.2. “Етказиб берувчи” нефт маҳсулотлари сифатини ўз ҳисобидан тиклаб бериш билан бир қаторда “Истеъмолчи”га етказиб берилган сифати лозим даражада бўлмаган нефт маҳсулоти қийматининг 0.1 фоизи миқдоридан жарима тўлайди.

6.3. “Истеъмолчи” белгиланган муддатда олинмаган ва етказиб берилган нефт маҳсулотларини олишдан сабабсиз бош тортганлиги учун “Етказиб берувчи”га олинмаган маҳсулот умумий қийматининг 0,1 фоизи миқдоридан жарима тўлайди ва “Етказиб берувчи” олинмаган маҳсулот учун маҳсулотнинг тўлиқ қийматини ундириш ҳуқуқига эга.

6.4. Етказиб берилган нефт маҳсулотлари учун ўз вақтида ҳақ тўламаганда “Истеъмолчи” “Етказиб берувчи”га тўлов муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов сўммасининг 0,4 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов сўммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

6.5. Ушбу шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик ва бошқа масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

6.6. Томонлар ҳамда уларнинг вакиллари мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжаларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан, пора беришни таклиф қилмайди, ваъда бермайди, товламачилик қилмайди, пора сифатида пул тўламайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёки мумкинлиги учун моддий қийматликлар ёки мулкий наф олмайди. Томонлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.

7. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАР

7.1. Томонлардан бирортаси ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ва бунга форс-мажор ҳолатлар, яъни енгиб бўлмайдиган куч (фавкулотда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, қурғоқчилик, сув тошқини, ёнгин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар)) сабаб бўлганлигини исботласа, жавобгар бўлмайди.

8. БОШҚА ШАРТЛАР

8.1. Ушбу шартноманинг бажарилишида юзага келадиган ҳар қандай низо ва келишмовчиликлар белгиланган тартибда иктисодий судлар орқали ҳал этилади.

8.2. Шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда бўлиб, ҳар иккала томон имзолагандан кейингина ҳақиқий ҳисобланади.

8.3. Ушбу шартнома 2 нусхада тузилди ва тенг ҳуқуқий кучга эга.

8.4. Шартнома томонлар ўртасида имзоланган кундан бошлаб кучга қиради. Агар “Истеъмолчи” бюджет қорхонаси, ташкилоти бўлса, бунга қўшимча равишда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ҳудудий газначилигидан рўйхатдан ўтган кундан бошлаб кучга қиради (рўйхатдан ўтказиш “Истеъмолчи” зиммасида бўлади) ва 2022 йил 31 декабрь якунига қадар амал қилади.

9. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

“Етказиб берувчи”

“Гулистон нефт базаси” МЧЖ

Сирдарё вилояти, Сайхунобод тумани,

Ёшлик кўрғони.

х/р: 22604000700469737701

“Ўзсаноатқурилишбанк”нинг Яшнаобод филиали

МФО: 00432, ИНН: 200323074

ТРАНСПОРТНАЯ ПРОКУРАТУРА РУС

И. ТУРКИСТАНСКАЯ - 8А - ☎ 299-97-70

Б/С/И 100010000202707036200010001

☎ 201 700 000 ОИД 84112

Манзили: ШЕП. УП. 215МЧ. 8Ф

Р/С 23402000300100001010

МФО 00314РКН ТУ ИБ Т. ТАРМОНТ

БАНК К.С. 201 122 010

МФО: _____, ИНН: _____ банк



Директор

М.Ў

Юрист

Х.Туйчиев



М.Ў

М.М. МУЗАФАРОВ

(имзо, мансаби, Ф.И.О.)

**"Тулистон нефт базаси" МЧЖ билан Ўзбекистон Республикаси транспорт прокуратураси ўртасида 2022 йилда нефт махсулотлари
етказиб бериш тўғрисида тузилган**

2022 йил " 05 " даги _____ -сонли шартномага
1
СПЕЦИФИКАЦИЯ

№	нефт махсулотлари номи	1 тонна нархи	Улчов бирлиги	Жами 2022 йилга		Шу жумладан чораклар бўйича									
				ТН		Сумма		1		2		3		4	
				ТН	Сумма	ТН	Сумма	ТН	Сумма	ТН	Сумма	ТН	Сумма		
1	Автобензин АИ-80	10636234,00	тн	0,450	4786305,30	0,450	4786305,30								
	ЖАМИ:			0,450	4786305,30	0,450	4786305,30								

Тўрт миллион етти юз саксон олти минг уч юз беш сўм 30 тийин. Қ Қ С В И Л А Н .

Таъминотчи:

"Тулистон нефт базаси" МЧЖ
Сайхунобод тумани Ёшлик кургони
х/р 22604000700469737701
Тошкент ш. "Узсаноаткурилишбанк" АТБ
Яшинобод филиали МФО: 00432
СТИР: 200323074-ОКЕД: 46710



Истеъмолчи:



М.Музафаров.